



Тикувчилик цехи ва гўзаллик салони фойдаланишга топширилди





Хусусан, Обод юрт" маҳалласида тикувчилик цехи ва гўзаллик салонининг очилиши ҳам сўзимизнинг яна бир амалий исботи бўлолади. Тантанали очилиш маросимида Узун туман ҳокими Хабибулла Бозоров иштирок этиб барчани ушбу кун билан самимий муборакбот этди.





Ушбу "Тикувчилик цехи"да 40 та тикув машиналари мавжуд бўлиб, 40 нафар хотин-қизларни, гўзаллик салонини ташкил этилиши билан 3 нафар хотин-қизларни бандлигини таъминланишига эришилади.





Эндиликда замонавий цехда аҳоли ва бозор талабидан келиб чиқиб кенг ассортиментдаги кийим-кечаклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шунингдек, ички бозор учун ҳам маҳсулот етказиб берилади.